

ЭКОЛОГИК МУОММОЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШДА ТАЪЛИМ ТАРБИЯНИНГ АХАМИЯТИ.

Муҳиддинова Ҳакимаҳон

Наманган техника университети

muhiddinovahakimaxon@gmail.com.

Аннотация: Экологик муаммолар уларнинг долзарблиги, экологик таълим тарбия масаласи шу куннинг энг долзарб муаммоларидан биридир. Экологик таълим тарбияни шаклланишида оиланинг урни муҳим аҳамиятга эга эканлиги ёритилиши билан бирга мактабда табиатни асраш масалалари билан узвий боғланиб экологик муаммоларни ҳал этиш масалаларини таҳлил қилиб берилган.

Калит сўзлар: экология, экологик муаммолар, экологик таълим, экологик тарбия, табиат, оила, мактаб, экологик тушунча, экологик онг.

Значения образования и воспитания в решении экологических проблем.

Аннотация: Экологические проблемы, экологическое воспитание являются одной из актуальных вопросов сегодняшнего дня. Помимо освещения значения семьи в формировании экологического воспитания, а также анализируется вопросы решения экологических проблем в связи с задачами охраны природы в школе.

Ключевые слова: экология, экологические проблемы, экологическое воспитание, природа, семья, школа, понятие «экология», экологическое сознание

Ривожланиш ва тараққиёт мавжуд экан табиат ва жамият ва ундаги рўй бераётган муносабатлар тезлик билан ўзгариб бормоқда. Инсон сонини

ошишиши эҳтиёжларни катталашуви табиатга ўз таъсирини ўтказиб кескин экологик муаммоларни чиқариш билан бирга кун сайин экологик муаммоларни турлари кўпайишига олиб келмоқда.

Шуниси таъсирлики ўтган аср экологик муаммоларни эмас балки шу 10 йилликни ўзида экологик муаммоларда катта ўзгаришлар кескин содир бўлаётганлигини кўришимиз мумкин. Инсоният долзарб вазифаси қачонлардан пайдо бўлган экологик муаммоларни бартараф этиш билан бирга энг асосийси тез суратлар билан ўсиб бораётган экологик муаммоларни турларини пайдо бўлмаслигини олдини олиш учун курашишдир. Бунинг учун бугунги илм ва фан ютуқлари билан бирга бугунги нуқтаи назар ҳамда янги тадқиқотлар билан курашишни тақозо этади. Инсониятнинг келгуси ривожланиш тақдири кўп жихатдан табиат ва жамият ўртасидаги қаршиликлар кенг мақсадли вазифаларни хал қилиш йулларини топишга боғлиқ. Шулардан келиб чикиб, табиат ва жамият ўртасидги алоқадорлигига асосий мезонларига амал қилиш жуда зарур. Экологик муаммоларни кескинлашуви ердаги ҳаётга, инсоният ва унинг келажагига катта хавфдир.

Инсониятни ўраб турган таркибий қисми бўлган, одамзотнинг яратувчанлик қобилиятини намоён этадиган сифатлар ўртасида экологик тарбия муҳим ўрин эгалайди.

Кишиларнинг экологик тарбияси бир неча боскичларда амалга оширилади. Экологик тарбия ҳар бир боскичда тарбиянинг маълум шаклари ва усулари таркиб топади. Энг асосийси, ёши улғайган сари экологик тарбия ҳам юксалиб боради, бу тарбия билим ва фаолият жараёнида шаклланиб боради.

Экологик тарбия бу- ижтимоий меъёр, ақлий тафаккур, илмий мушоҳада сифатида ҳосил бўлади. Унинг шаклланиши инсонни ўраб турган табиатни канчалар билиши ва уни ҳис этишга боғлиқдир. Кишилар ёши, касби, интеллектуал салоҳияти жихатдан бир хил даражада бўлмайди. Лекин табиатнинг гўзалликларини англаш, жонзотларга тўғри муносабатда бўлиш,

атроф мухитнинг тозалиги хакида кайғуриш каби ижобий хислатлар заминида экологик тарбия асослари хосил бўлади.

Экологик таълим-тарбия масаласи XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб кескин тарзда кун тартибига кўйила бошланди. Чунки, зи яшаб турган, аввлги шарт-шароитга ўхшамаган, сифат жихатдан янгича муаммоларга дуч кела бошлади. Экологик билимларсиз одамлар хозирги кун ва келажакнинг биосфера билан узвий боғликлигини англаб етмайдилар.

Хар бир кишини атроф-мухитнинг ҳолати, мавжуд ҳайвонот ва ўсимлик дунёси сакланиб қолиши руҳида тарбиялаш мушкул. Бу масъулиятнинг даражаси инсоннинг табиатни асраш борасидаги амалий фаолиятида экологик тарбиялилиги ва маданияти хосил бўлиши турмуш тарзида намоён бўлади. Экологик тарбия экологик дунёкарашни шакллантириш билан чамбарчас боғлиқ. Бу эса табиат билани жамиятнинг ўзаро боғликлигидаги билимларини чуқур ўзлаштиришни, илғор ижтимоий ва табиий-илмий ютуқларидан баҳраманд бўлишни таказо этади.

Экологик таълим-тарбия масаласи шу куннинг энг долзарб муаммоси бўлиб, у аввало, оиладан мактабгача тарбия муассасаларидан бошланади.

Экологик таълимнинг вазифалари:

1. Табиат ва жамиятнинг ривожланиш қонунлари, уларнинг ўртасидаги муносабатларни ўрганиш ва замонавий фикрлай оладиган шахсни шакллантириш.

2. Ижтимоий, иқтисодий ривожланиш ва ишлаб чиқариш кучларини йуналтиришда турли табиий минтакаларнинг экологик ҳолатини биладиган ва келажакнинг экологик режасини тузадиган инсонни тарбиялаш.

3. Жамиятда турли аҳоли гуруҳлари яшаб турган мухит билан умр бўйи мулоқот қиладиган ёшларни камолотга етказиш.

4.Оила аъзоларининг экологик маданиятини шакллантиришда ўзлари яшаб турган муҳитнинг инсон ҳаётидаги саломатлиги учун аҳамиятини, ёш авлодда табиатга нисбатан меҳр-муҳаббат уйғотиш ишларини узлуксиз олиб бориш кабилардир.

Экологик тарбия болаларнинг боғча ёшидаёқ:

-болаларни она-табиатга муҳаббат, унинг гўзаллигини ҳис қилиш, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига оқилона муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш:

-жонли ва жонсиз табиат, уларни ўзаро алоқадорлиги тўғрисидаги билимларни болалар онгига сингдиришда намоён бўлади.

Мактабларда эса, экологик таълим-тарбиянинг максади атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳақидаги назарий билимларнинг дастлабки асосларини ўргатишга, экологик сиёсатнинг мазмуни, моҳияти билан таништиришга қаратилган бўлиб, ўқувчиларда ҳўжалик юритиш тамойилларига мос келадиган амалий ташкилотчилик қобилиятлари, эҳтиёжлари, манфаатлари, масъулият ҳисси, тафаккур услубларини шакллантиришга хизмат қилади.

Шунингдек, минтақавий, умумбашарий экологик муаммоларга нисбатан ўқувчиларнинг шахсий муносабатлари, ҳаётий мавқеларини шакллантириш катта тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Хуллас, экологик таълим-тарбиянинг даврга мос, янгича умумий назарий тизимини яратиш ва такомиллаштириш вақти келди. Шу назария асосида жамият аъзоларида янгича экологик онг, тарбия ҳамда маданиятни шакллантириш ҳозирги куннинг энг муҳим вазифаси ҳисобланади.